## ШАРТНОМА №103

### Сиҳатгоҳ йўлланмасини етказиб бериш тўғрисида

**Мираки шахарчаси** «4» 01 2022 й.

**“Мираки санаторияси” МЧЖ** (кейинги ўринларда сиҳатгох) номидан сиҳатгоҳ низомига асосланиб директор М.Т.Хушвақтова (кейинги ўринларда “Бажарувчи”) бир томондан ва иккинчи томондан Ўзбекнефтегаз номидан рахбар Р. Ахлоқулов (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) иккинчи томондан низомга асосланиб, “Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига мувофиқ даволаниш учун сиҳатгоҳ йўлланмасини етказиб бериш буйича ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

### 1. Шартнома предмети:

1.1 “Буюртмачи”нинг буюртмаси буйича ушбу шартномага асосан томонлар уртасида 31декабрь 2022 йилгача сиҳатгоҳ йўлланмасини етказиб бериш буйича хўжалик алоқаси ўрнатилади;

1.2 Шартнома муддатини узайтириш ёки қисқартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг ўзаро келишуви асосида амалга оширилади.

### 2. Томонлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1 Томонлар ўз мажбуриятларини амалдаги хўжалик қонунчилиги талабларига асосан амалга оширадилар;

2.2 “Бажарувчи”, “Буюртмачи” томонидан буюртма қилинган йўлланмаларни келишилган муддатларда етказиб бериш, “Буюртмачи” эса фойдаланган йўлланмалар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### 3. Йўлланмаларнинг тури, миқдори ва етказиб бериш муддатлари:

3.1 “Буюртмачи” томонидан буюртма қилинадиган йўлланмаларининг тури, миқдори ва “Бажарувчи” томонидан етказиб бериш муддатлари томонлар ўртасида узаро келишилади.

### 4. Шартноманинг умумий сўммаси ва тўлов шартлари:

4.1. “Мираки санаторияси” МЧЖ томонидан йўлланма орқали даволаш хизматларининг умумий сўммаси______________________________________ сўмни ташкил этади.

4.2 “Буюртмачи”етказиб берилган йўлланмалар учун “Бажарувчи”га шартнома нархларида ҳақ тўлайди;

4.3 “Буюртмачи” буюртма қилган йўлланмалар учун “Бажарувчи”га мазкур шартнома имзолагандан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмаган муддатда умумий шартнома сўммасини 15%ни “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига олдиндан тўлаб бериш, ҳамда йўлланмалар асосида хизматлар кўрсатилиши тугаган кундан бошлаб 2 ой муддатда мазкур йўлланмалар ҳақини тўлиқ тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

4.4 “Бажарувчи”нинг даволаш харажатлари ёки нархларининг ўзгариши билан йўлланмаларнинг нархи хам ўзгариб боради ва “Бажарувчи” томонидан “Буюртмачи”га ёзма равишда маълум қилинади.

4.5 “Буюртмачи” тўловни олдиндан қачон тўлаганидан қатъий назар, йўлланмалар етказиб берилган кунида амалда бўлган нархлар билан берилади.

### 5. Томонларнинг моддий жавобгарлиги:

5.1 “Буюртмачи” сотиб олган йўлланмалар бўйича ўз вақтида даволанишга келиши шарт. Узрли сабабларга кўра ўз вақтида келолмасдан, фойдаланилмай қолган йўлланмалар йил якуни буйича нархининг 10% миқдори “Бажарувчи “ҳисобига жарима сифатида ушлаб қолиниб, қолган қисми 1 ой ичида “Буюрмачи” хисобига ўтказилади;

5.2 Шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган муддатда “Буюртмачи” ўзи буюртма қилган йўлланмалар учун “Бажарувчи”га хақ тўлашни кечиктирадиган бўлса, кечиктирилган хар бир календарь кун учун тўланмаган сўмманинг 0,4% миқдорида, бироқ кечиктирилган тўлов сўммасининг 50%дан ошиб кетмаган ҳолда пеня тўлайди;

5.3 “Бажарувчи” шартноманинг 3.1. бандида кўрсатилган муддатда “Буюртмачи”га йўлланмаларни етказиб беришни кечиктирадиган бўлса, кечиктирилган хар бир календарь кун учун етказиб берилмаган йўлланма сўммасининг 0,5% миқдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган йўлланмалар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.

## 6. Форс-мажор ҳолатлари:

6.1 Бир томон иккинчи томон олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бузилишига жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, сув тошқини, ёниш ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби:

7.1 Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан ҳал этилади;

7.2 Ўзаро келишувга эришилмаган ҳолда, қонунда белгиланган тартибда иқтисодий суд оркали ҳал этилади.

## 8. Якуний қоидалар:

8.1 Шартнома икки томон имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

8.2 Шартнома икки нусхада тузилди ва томонларда бир нусхадан сақланади;

8.3 Шартноманинг ҳар бир нусхаси бир хил қонуний кучга эга ҳисобланади.

## Томонларнинг манзили ва имзолар:

**“БАЖАРУВЧИ”**

**“Мираки санаторияси” МЧЖ**
ИНД: 181314
Қашқадарё вилояти Шахрисабзтуман
Мираки шахарчаси Навоий кўчаси
Х/р: 20208000200385630001
ТИФ Миллий банк Шахрисабз филиали
МФО: 00191; ИНН: 201600838;
Тел: (0375) 523 34 76;
Факс: (0375) 523 33 21
e-mail: sanatoriy_miraki@mail.ru
web site: www.sanatoriy-miraki.uz

**Директор** ____________ М.Т.Хушвақтова

М.Ў.

**“БУЮРТМАЧИ”**

______________________
ИНД: ________
______________________
______________________
Х/р: ______________
______________________
МФО: ____;ИНН: ________
Тел: __________
Факс: __________
web site: __________

O'zHO
OCHIQ NEFT VA GAZ FAVVORALARINING
OLDINI OLISH VA BARTARAF ETISH BO'YICHA
O'ZBEKISTON HARBIYLASHTIRILGAN QISMI
H/R: 20210000100381865001
MUBOBAK SOB, STIR: 200698487
MFO: 00186, OKED: 84220

**Ф.И.О.** ____________

М.Ў.

Ушбу шартнома “Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабларига тўлиқ мос келади.

**Юрист:** ______________

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ЛИЦЕНЗИЯ**
**на осуществление медицинской деятельности**
**№ У-4872-03**
(номер лицензии)

Настоящая лицензия выдана: MIRAKI SANATORIYASI МЧЖ
(полное фирменное наименование юридического лица, с указанием организационно-правовой формы)

Местонахождение (почтовый адрес) организации:
Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Мираки қўрғони, А.Навоий кўчаси.

Место (адрес) осуществления медицинской деятельности:
Қашқадарё вилояти, Шахрисабз тумани, Мираки қўрғони, А.Навоий кўчаси.

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):
201600838

Разрешенные виды специализаций и тип медицинской организации:
Амбулатор ва стационар шароитида кардиология, неврология-диагностика, маслахат, консерватив даволаш, физиотерапия, клиник лаборатория диагностика.

Дата продлении лицензии: 25.01.2018г.
(число, месяц, год)

Срок действия лицензии до: 25.01.2023г.
(число, месяц, год)

Порядковый номер по реестру лицензии: 2382

Уполномоченное лицо: Юсупалиев.Б.К (Ф.И.О. руководителя лицензирующего органа)

Портал работает в тестовом режиме. Все предложения и замечания просим направлять по форме обратной связи.

*Юридик шахсни давлат руйхатидан ўтказиш тўғрисида*

**ГУВОХНОМА**

Реестр тартиб рақами - 89 № 0000089

2003 й. "17" декабр

Мазкур гувохнома юридик шахс "MIRAKI SANATORIYASI" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИГА
(узбек тилидаги тулик номи)

(юридик шахс бўлган дехқон хўжаликлари, фермер хўжаликлари учун ажратилган ер участкаси ва унинг майдони кўрсатилади)

берилган.

| | | |
|---|---|---|
| Ташкилий-хукукий шакли: | ТХШ | 1152 |
| Мулкчилик шакли: | МШ | 142 |
| Почта манзили: | МХОБТ | 1710245 |
| Юридик шахс коди: | КТУТ | 15875632 |
| Тармок коди: | ХХТУТ | 91517 |
| Юкори ташкилот коди. | ДБИБТ | 07794 |
| Солик туловчининг идентификация раками: | СТИР | 201600838 |

Кушимча маълумотлар:

М.У.

Шахрисабз туман хокимлиги хузуридаги "Тадбиркорлик субъектларини руйхатдан утказиш инспекцияси" бошлиғи: Т.ГОФУРОВ

ASLIGA TO'G'RI